



# МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№5 (87) 30.01.2020 йил

Тайинлов ва қутлов

## Ишонч ва шараф



27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Аҳмадович Назарбековнинг ўз лавозимига расман тайинланиш маросими бўлиб ўтди. Вазирлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тайинлов ҳақидаги Фармони Бош Вазир А.Арипов ўқиб эшиттирди. Бош вазир, шунингдек, Ёшлар, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмита раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, сенатор Бахтиёр Сайфуллаевни янги лавозимлари, Президентимиз томонидан билдирилган юксак ишонч билан самимий қутлади. Б.Сайфуллаев ҳам ўз навбатида давлатимиз раҳбарининг бу юксак ишончини Ватан ва халқ олдидаги фидокорона меҳнатлари, эл-юртга садоқатли хизматлари билан оқлашга ваъда берди.

Йиғилишда М.Хожиматов, Ф.Абдуҳолиқов, М.Йўлчиева, Ш.Тўхтасимовлар ҳам сўзга чиқиб, тайинланганларни янги лавозимлари билан муборакбод этишди.

Ўз навбатида Маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳам ташриф буюрган Бош вазирга, меҳмонларга ва вазирлик ходимларига миннатдорчилик билдириб, устози Б.Сайфуллаев тажрибаларига таянган ҳолда, жамоа аъзолари билан баҳамжиҳатликда фаолият олиб боришга, ўзига билдирилган ишончни шараф билан оқлашга ваъда берди.

Маданият вазирлигида



## Республикамиз театрларида “Ҳалоллик вакцинаси”

29 январь куни Маданият вазири республика театрлари раҳбарлари билан йиғилиш ўтказди. Унда О.Назарбеков Президент Ш.Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномаси ҳақида сўзлар экан, маданият соҳасининг барча тизимларида коррупцияга қарши курашиш энг устувор масала эканини таъкидлади. Шу муносабат билан театр раҳбарларига иш аввалини тизимдаги барча ходимларнинг ўзларидан бошлаш, яъни коррупцион ҳолатларга йўл қўймастик; театрлар репертуарида “Ҳалоллик вакцинаси”ни ифода этадиган спектакллари сахналаштириш; янгича ёндашувлар, ташаббуслар, таклифларни ишлаб чиқиш; хоржий давлатларга гастроллар ташкил қилиш; иш фаолиятида очиқлик, шаффофлик, холисликни таъминлаш; бюрократик йўлдан воз кечиш, янгича ислохотлар билан натижадорликни ошириш каби вазифалар белгиланди.

Ушбу масалалар бўйича таклифлар икки ҳафта муддатда тайёрланиши юзасидан барча театр раҳбарларига топшириқлар берилди.

Донлар сузлайди...

Ҳар сўзни андиша била бошлағил, токи айтгон сўзингдин пушаймон бўлмағайсан.  
(“Қобусномадан”)

Андиша-мулоҳазали кишиларнинг кўнгилларида қўрқув ҳисси бўлади, кўнгилда қўрқув ҳисси бор одам ишни тўғри қилади.  
(Юсуф Хос Ҳожиб)

Киши қанчалик ақлли ва фаросатли бўлса, одамлардаги яхшиликни шунча тез англайди.  
(Б.Паскаль)

Ушбу сонда

## Бугунги меҳнатимиз – эртанги роҳатимиз



2-саҳифада

## Премьера: Отабек ва Кумуш



5-саҳифада

## Асарда акс этган ҳақиқат

6-саҳифада

Адолат, маърифат, маданият

## Миллат манфаати, халқ фаровонлиги йўлида...

Шу кунларда Президентимиз Мурожаатномасини кўтаринкилик билан қутиб олган мамлакатимиз аҳли давлат раҳбарининг миллат манфаати, халқ фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларига камарбаста бўлишга бел боғлашган. Жумладан, Ўзбекистон Маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳам ўз фаолиятини барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият бошқармалари ходимлари билан видеоселектор йиғилишини ўтказишдан бошлагани айни ҳақиқат. Мақсад – давлат ва ҳукуматимизнинг миллий маданиятимизни ривожлантиришга қаратилган фармонлари, қарор ва қонунлари ижросига астойдил киришиш, эзгу ният йўлида бор куч-қувватини аямай хизмат қилиш.

– Аммо ушбу фармон қарорлар ижросини ҳозирги кунда қониқарли деб айтолмаймиз, – деди Маданият вазири видеоселектор қатнашчиларига. – Биз соҳа ходимлари аввало “беш ташаббус”нинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини ўзимиз яхши англаб етишимиз керак. Қолаверса, бу ташаббусларнинг мақсадини – ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги эзгу гояларни уюлмаган ёшларимизга, уларнинг ота-оналари онгига чуқур синдиришимиз даркор. Қайсики, биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилиши, иккинчиси уларнинг жисмоний чиниқиши, спорт соҳасидаги қобилиятини намоён этишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилгани, учинчиси – аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилгани, тўртинчисида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, бешинчи ташаббус эса хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутиши билан муҳим аҳамиятга эга экани, бу билан ёшларимизнинг эртанги кунни, порлоқ келажаги, камолоти, фаровон турмуши таъминланишини тушунтиришимиз зарур.

Давоми 4-саҳифада



Гашриф

**Музей ёшлар нигоҳида**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб қилиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Термиз шаҳридаги мактаб ҳамда мактаб-

гача таълим ташкилотларида тарбия ва таълим ишлари олиб борилмоқда. Шундай тадбирлардан бири ҳудуддаги 12-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтди. “Музейлар ёшлар нигоҳида” мавзудаги тадбирда ўқувчиларнинг музей ҳақидаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг маданият масканларига қизиқишини орттириш асо-

сий мақсад қилиб олинди. Болаларни воҳамиз тарихи, урф-одатлари, анъаналари, халқ хўжалиги, археологик топилмалар, мустақиллик даври намуналари, тасвирий санъат асарлари ҳамда табиати билан Ш.Пардаева таништирди. Ш.Пардаева, Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими

Миллийлик ва замонавийлик



Миллий ва замонавий уйғунликни ўзида мужассам этувчи муҳташам Республика бахшичилик санъати маркази биносини қуриб, ишга тушириш учун 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади.



Янгилаётган Ўзбекистон



**Мотивация ва ташаббус**

Юртимизда амалга оширилаётган турли ислохотлар секин-аста ўз самарасини бермоқда. 25 январь куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев сиртки таълим “Кутубхона ва ахборот фаолияти” йўналишининг 1-курс талабалари билан учрашув ўтказди. Унда олий таълим тизимида коррупциянинг йўқотилгани, барча ўқув ва имтиҳон жараёнлари шаффофлик асосида ташкил этилаётгани борасида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Сиртки таълим талабалари учун қишки ўқув даврида адолатли дарс мезонларининг ташкил этилиши, китобхоналикка сафарбарлик, маҳорат ва инновацион технологиялардан фойдаланиш сирлари борасида қизиқарли маълумотлар келтирилди. Шунингдек, Иброҳим Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлиста Мурожаатномаси тўғрисида ҳам гапирди.

Дўстона суҳбатда олий таълим тизимида сифатли кадрлар тайёрлаш, кутубхона фаолиятини ислоҳ қилиш, ўзбек мумтоз адабиёти ва жадид адабиётини чуқур ўрганиш, илмий-ижодий жараёнларда фаол бўлиш, театр ва кино янгиликларидан бохабарлик каби муҳим ташаббуслар ўртага ташланди.



Иброҳим Йўлдошев учрашув жараёнида “Китоб ўқинг, бир финжон қаҳва ичинг” мега-акциясида фаол иштирок этган талаба қиз билан суратга тушди. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг ижоди, адабий илми ва бетакрор асарларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий ҳаётимизга синдириш лозимлиги таъкидланди.

Эндилқда ёшларимизнинг маънавияти ва маърифатини янада ошириш – асосий вазифамизга айланмоқда. Институт ректори талабаларга омадлар тилаб, доим фаол бўлишга ундади. Зеро, янгича ташаббуслар улкан мақсадлар эшигини очади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
Матбуот хизмати

**Бахшичилик санъатини авлодларга мукамал етказадиган марказ**

Юртбошимизнинг 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган Республика бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузуридаги бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси қадимий ноёб меросимизни асл ҳолида сақлаб, келгуси авлодларга етказишга хизмат қилади. Бахшичилик санъатига қизиқиши бор ёшларнинг ижодий салоҳиятини янада ривожлантириб, интилишларини қўллаб-қувватлайди. Малакали бахшиларни тарбиялаб, камолга етказилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Республика бахшичилик

санъати маркази ва унинг ҳузуридаги Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан янги марказ ва жамғарма вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, Термиз шаҳридаги 21-бахшичилик мактаби негизда бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернатини ташкил этиш, қўшимча бинолар, 150 ўринли ётоқхона қуриш юзасидан тегишли вазифалар қайд этилган.

Янги марказ қурилиши учун Термиз шаҳридаги Боғишамол маҳалласи ҳудудидан бир гектар ер майдони ажратилди. Бино лойиҳаси Маданият вазирлиги ва “Ўзбекистон темир

йўллари” акциядорлик жамияти ҳузуридаги “Тоштемирйўллойиҳа” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Кўп қаватли муҳташам бинода марказ ходимлари учун барча шaroитлар яратилади.

Республика бахшичилик санъати маркази тўғридан-тўғри Маданият вазирлигига бўйсунди. Унинг ҳузуридаги жамғарма эса давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимиздаги бахшичилик санъатини дунёга кенг тарғиб қиладиган “Бахши” журнали нашр қилиниб, ҳар чорақда бир марта ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилади.

Истеъдод



**Кучли яратувчанлик**

Инсон қобилияти чексиз. Аллоҳ томонидан берилган ақлу заковат неча замонлардан бери бизнинг ҳаёт тарзимизни ўзгартирди, киноту самоларга етказди. Айнакча, орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг истеъдоди барчани ҳайратда қолдиради. Биз уларни бу муваффақиятга осонгина эришган деб ўйлаймиз. Аслида-чи? Улар ҳам ўз истеъдодини юзага чиқариш учун жуда кўп меҳнат қилишган. Ахир муваффақиятга эришиш учун 5% истеъдод, 95% меҳнат қилиш керак. Шундай изланувчан ёшларимиздан бири Халқаро хотира спорти устаси Хусниддин Исмоиловдир. Юртдошимиз 1 соатда 1460 та, 5 дақиқада 240 та рақамни эслаб қолишга эришди. Таърифта сўз йўқ, тўғрими? Биз телефон рақамларини бир зумда унутиб қўётган замонда Хусниддин 240 та сонни кетма-кет хотирасида сақлаб қола олди. Қизиқ, у бу натижага қандай

эришди? Бундай кучли хотиранинг сирини нимада? Кахрамонимиз жавоби эса оддий: “Бундай даражадаги хотира мустаҳкамлигига эришиш қийин масала деб ҳисобламайман. Ўз хотирасини тинимсиз шугўлланган бўлиш ва мнемоника техникаларидан унумли фойдаланиш орқали ҳар қандай инсон ушбу натижага эришиши мумкин. Халқаро хотира спорти устаси унвони соҳиби бўлиш учун 2 йил инсон хотираси ҳақида ўқиб, изландим ва ҳар куни 2-3 соат вақтимни чемпионатга тайёрларик машғулотларига сарфладим. Мнемоника усулларини ўргандим. Шу аснода олдимга қўйган мақсадимга эришдим”. Бутун бир муваффақият калити – мнемониканинг ўзи нима? Уни қандай ўрганса бўлади? Мнемоника – эслаб қолиш санъати, сунъий ассоциациялар ҳосили йўли билан эсда қолишни осонлаштирувчи ва хотира ҳажминини кенгай-

тирувчи усуллар тизими. Ҳатто, мнемоникани ўрганиб, маъносиз материални ҳам тезда эсда олиб қолиш мумкин. Лекин маъносини тушуниб ёд олиш ҳар томонлама афзалдир. Мнемоника механизмларидан бирида “Моя великолепная знающая мать юным сердцам умела небо показать” деган гап берилган. Бунда сўзларнинг бош ҳарфларидан эслан чикмайди гап тузилган. Яъни Меркурий, Венера, Земля, Марс, Юпитер, Уран ва Плутон. Гомес сўзини эслаб қолсангиз сиз Америка қитъасидаги қўлларни кетма-кет ёдлаган бўласиз: «Гурон, Онтарио, Мичиган, Эйр, Юқорин АҚШ». Ҳар қандай инсон бу механизмларни ўрганиб, кучли хотира этгаси бўлиши мумкин. Фақат бу йўлда тинимсиз ўқиб-ўрганиш, сабр билан ҳаракат қилиш керак. Дилфуза Олимова ЎзЖОКУ талабаси

Кутлов!

**“Маданият ва санъат фидокори”**



“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби”, “Қорақалпоғистон Республикасида халқ артисти” Кўркмас Сагатов “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони билан тақдирланди.  
У 1992 йил “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби”, 1997 йил “Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвонлари билан мукофотланган.

К.Сагатов малакали педагог-хореограф сифатида Республика миқёсида бўлиб ўтадиган Мустақиллик, “Наврўз” умумхалқ байрамлари, “Баркамол авлод”, “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари, “Шарк тароналари” халқаро фестиваллари каби байрам дастурларининг очилиш ва ёпилиш кечаларида оммавий рақсларни саҳналаштиради.  
Унинг шогирдлари ва бир қатор тала-

балари халқаро миқёсда ўтказиб келинган танловларда иштирок этиб, юртимиз довруғини таратмоқда. Ўн бешдан ортиқ шогирдлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган, бешдан ортиги Ўзбекистон халқ артистларидир.  
Зиммасига юклатилган вазифаларга сидқидидан ёндашиши ва самарали меҳнати туфайли жамоадoshлари ва талабалар ўртасида хурмати баланд.

Давоми. Боши 1-саҳифада

**Миллат манфаати, халқ фаровонлиги йўлида...**



Йигилиш давомида маданий мерос объектлари фаолиятини ривожлантириш, бунинг учун тарихий-маданий обидалар, иншоотларнинг туристик салоҳиятини чуқур ўрганиб, уларни туризм маршрутига кириштириш бўйича таклифлар бериш масаласи муҳокама этилди. Шунингдек, номоддий бойликларимиздан ҳисобланган мақомчилик санъатини ривожлантириш, бахшичиликни кенг тарғиб этиш, юксалтириш бўйича фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар тингланди. Бунинг учун турли маънавий, маданий- маърифий тадбирлар, танловлар, устоз ва шогирдлар учрашувлари ташкил этилиши кераклиги, бу борада юзага келаётган муаммолар ечимида тўққинлик қилаётган ҳар қандай ҳолатга қарши аёвсиз куралиши ҳақида сўз борди. Ушбу чора-тадбирларнинг талаб даражасида ижро этилиши учун ҳар бир соҳа ходимига адолат ва ҳалоллик асосий мезон, маданият, маърифат, маънавият эса муҳим фазилат бўлиши кераклиги ўқдирилди. Маданият тизимида, энг аввало, коррупцияга барҳам берилмас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги қатъий таъкидланди.  
**С.Рихсиева.**

Хотира

**Қалбимизда мангу яшайсиз**



27 январь куни Нукус шаҳридаги 13-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таваллудининг 82 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида «Қалбимизда мангу яшайсиз» мавзусида кўчма кўргазма ташкил этилди. Кечани мактаб директори Г.Садилова очиб берди. Сўнгра музей ходими Ш.Пирназарова сўзга чиқиб, биринчи президентимизнинг ҳаёти, умр йўллари, машаққатли ва буюк хизматлари ҳақида гапирди. Шунингдек, И.Айназарова етук сийсатчининг ёш авлодни тарбиялашда хизмат қилган келаётган буюк ва унутилмас сўзлари, китоблари ҳақида сўзлаб, ўқувчилар билан эркин мулоқот олиб борди. Ф.Оспанова эса музейимизда сақланиб келаётган собиқ президентимизнинг суратлари билан ўқувчиларни яқиндан таништирди. Кеча давомида ўқувчилар ўзлари қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Улар томонидан тайёрланган куй-кўшиқлар эса кечага файз бағишлади. Тадбир якунида мактабнинг тарихи фахри ўқувчиси Қ.Жаҳсомуратова музей ходимларига ўз миннатдорчилигини билдириб, бу инсон ҳар биримизнинг қалбимизда абадий қолишини таъкидлади.

**Ш. Пирназарова,**  
Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Муносабат

**Президент мурожаатномаси италиялик сайёҳни ҳам таъсирлантирди**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг парламентга қилган мурожаатномасини нафақат халқимиз, балки хорижлик сайёҳлар ҳам кузатди.



Хоразм вилоятидаги туман ва шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари, фуқаролар билан гавжум масканларига мониторинглар ўрнатилди. Шунингдек, меҳмонхоналарда ҳам интернет орқали Мурожаатнома билан танишиши имконияти яратилди. «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонасига ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар ушбу масканнинг сайёҳлик-ахборот марказида Мурожаатномани интернет ТВ орқали тўғридан-тўғри томоша қилишди. Улар мамлакат раҳбарининг ўтган йилларда ҳар бир соҳада амалга оширилган ислохотлар ҳақидаги сўзларини катта қизиқиш билан тингладилар. Айниқса, Ўзбекистон ёшлари келажакга ғамхўрлик қилиш борасидаги фикрлари уларда катта таассурот қолдирди.

– Бу менинг Ўзбекистонга илк ташрифим, – деди италиялик сайёҳ Франсеско Пасе. – Саёҳатим давомида мамлакатнинг илғимли муҳим сиёсий воқеа, яъни Президентининг мамлакат парламентига қилган мурожаатини кузатиш имкониятига эга бўлдим. Бу менга катта фахр-ифтихор бағишлади. Мурожаатномани инглиз тилида тинглаш шароити яратилгани бизларни жуда мамнун этди. Ундаги ҳар бир сўзларнинг мамлакат тараққиётини кўзлаб айтилгани ҳамда Ўзбекистон ривожини таъминлаши шубҳасиз. Давлат раҳбарининг ёшлар ҳақида билдирган фикрлари, уларнинг эртасини ўйлаб қайғураётгани бизларни жуда таъсир-

лантирди. Мен ҳам талабаман. Шу боис ёшлар ва таълим соҳасига тааллуқли ҳар бир сўзни диққат билан тингладим. Таассуротларим аъло. Мамлакатнингизда ёшлар тақдирини сиёсат даражасига кўтарилиши, бу эртанги кунинингизнинг янада порлоқ ва буюк бўлишидан далолатдир.  
Мурожаатномада туризм соҳасида олиб борилган амалий саёй-ҳаракатлар ва уларнинг натижаси алоҳида эътироф этилгани сайёҳларнинг мамлакат ҳақидаги тасавурларини янада кенгайтирди. Туризм инфратузилмасини яхшилашга қаратилган келгуси режаларни чет эллик сайёҳлар мамнулик билан қарши олди.  
**Аҳмаджон ШОКИРОВ, ЎЗА**

Мурожаатномани тинглаб

**Дилга чўғ тушди**

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг парламентга Мурожаатномаси билан танишар эканман, юрагимни ширин умид, қатъий ишонч ҳамда кучли ифтихорга йўғрилган ёқимли ҳислар қамраб олди. Чунки маърузада киндик қонимиз томган ва айнан шу боис юрагимизга жон қадаб яқин табарух Ватанимизни янада тараққий эттириш, заҳматқаш халқимизнинг турмуш фаровонлигини бунданда юксалтириш омилини аниқ-тиниқ белгилаб берилди. Шахсан мен жадидчилик ҳаракатининг буюк намоянчаси, шу билан бирга ўзбек театр санъати асосчиси ҳисобланмиш улуғ бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллиги кенг нишонлангани ҳақидаги Президент таклифни миллий маданият соҳасини тараққий эттиришга йўналтирилган кучли эътибор сифатида қабул қилдим.



Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз маърузаси давомида мамлакат миқёсида 22 та маданият марказлари қайта таъмирланиб, мукамал қиёфа кашф этишига ҳамда сўнгги русумдаги энг замонавий компьютер-техника воситалари ҳамда бошқа жиҳозлар билан таъминлангани алоҳида ургу берди. Бу эса юракдаги энг тотли умидларимни жунбўшга келтирди.  
Иқдор бўлишдан ўзга чора йўқки, ҳозирча туманимизда бугунги кун талабига жавоб берадиган маданият марказига эга эмасмиз. Энди эса Президентимизнинг янги ташаббусига биноан туманимизнинг янги маданият маркази барпо этилишига, шу аснода аҳолининг маданият ва санъат соҳасидаги таваққурига сайқал беришда асқатадиган энг қўлай шарт-шароитлар вужудга келишига ҳеч қандай шубҳа қолмади.  
Жамоамизда ўзи танлаган касбга сadoжати тобора жўш ураётган иқтидорли санъаткору ижодкорлар анчагина. Уларнинг хоши-

иродаларига, изланиш ва интилишларига асосланиб, айта оламанки, туман маданият маркази қуриб битирилса ҳамда фойдаланишга топширилса, улар назарда тутилаётган максадни тўлиқ рўёбга чиқаришга шиддат билан ёндашишлари кундай равшан.  
Яна муҳтарам юртбошимиз ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини кўтариш баробарида грантлар икки баробар оширилаётгани маълум қилдики, бу ҳам барчамиз учун қутилмаган хушхабар бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу янгиликнинг амалга татбиқ этилиши иқтидорли ёшларни кашф этиш ва соҳага йўналтириш, шу йўл билан умидли ҳамда қобилиятли мутахассислар сафини кенгайтириш имконини беради. Демак, “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да маданият соҳасини тубдан ислох қилишда ҳамда фаолият натижадорлигини оширишда мисли қўрилмаган имкониятлар майдони юзага келмоқда.  
**Ръёноҳон ИСРОИЛОВА,**  
Фуқрат тумани  
Маданият бўлими мудир

» Кадр абадий

## Ислом КАРИМОВни хотирлаб



25 январь куни Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуганиевич Каримов таваллудининг 82 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда мактабнинг 5-синф ўқувчилари фаоллик кўрсатишди. Кечада ҳукуматнинг собиқ

раҳнамосининг ҳаёти ва фаолияти, ёшларни садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида кўрсатган жонбозликлари тилга олинди. Шунингдек, мустақиллик йилларида кўп миллатли республика аҳолиси ўртасида ўз ўрнини топиб, ватан тараққиёти учун улкан хизматлар қилгани, давлат сиёсатини юқори даражаларга кўтаргани, озод Ўзбекистонимизни

жаҳонга танитишда олиб борган буюк ишлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилди. Тадбирни 5-синф ўқувчилари ўз шеърлари ва чиқишлари билан давом эттирди. Билмидон ва зукко ўқувчиларга фахрий ёрликлар топширилди.

**Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг Археология бўлими ходимлари**

» Ешлар билан учрашув



## “PR club” Маданият вазирлигида

23 январь куни Маданият вазирлигида Ўзбекистон Журналистика ва Оммавий Коммуникациялар университети “PR ва халқаро коммуникациялар” кафедраси қошида ташкил этилган “PR CLUB” аъзолари вазирликнинг Ахборот масалалари бўйича ўринбосари, Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиги Мавлуда Асқархўжаева билан учрашдилар.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка етказишда ОАВнинг ўрни нечоғлик аҳамиятли бўлса, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятида матбуот хизмати хо-

димларининг хизмати ҳам шунчалик муҳимдир. Муҳтарам Президентимизнинг “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарорни қабул қилгани ҳам бежизга эмас. Янги ташкил этилган “PR CLUB” талаба-ёшларга соҳа доирасида амалий кўникмаларга эга бўлиш, давлат ҳокимияти бошқарув органлари, нодавлат ташкилотлар, сиёсий тузилмалар, молия ҳамда ишлаб чиқариш тизимларидаги ахборот хизматлари ҳамда матбуот котиб-

лари фаолияти билан яқиндан танишиш, уларнинг иш услубларини ўргатишни мақсад қилган.

“PR CLUB”нинг илк йиғилиши Маданият вазирлигида ўтказилгани ҳам бежизга эмас. Бугунги кунда маданий соҳада олиб борилаётган амалий ишлар ҳаётда ўз ифодасини топиши учун ҳам жамоатчилик эътиборини қаратиш муҳим масала.

Музейлар, театрлар, муқаддас кадамжолару маданий обидалар халқимизнинг маънавий бойлигидир. Шу бойлик ривожига ёшларнинг ҳам қизиқиш билдираётгани эса қувонарли ҳол.

**Карим Зарипов**

» Премьера



## “Отабек ва Кумуш”

Ўзбек мумтоз адабиётининг эркин сиймоси, романчилигимиз асосчиси Абдулла Қодирийнинг машҳур “Ўткан кунлар” асари миллионлаб қалбларда мангу яшайди. Адиб таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида “Отабек ва Кумуш” спектакли премьераси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев ҳам ташриф бурди. Кумуш ролини институтнинг “Мусиқали театр ак-

тёрлиги” йўналишининг 2-курс талабаси Маржона Ўлжаева яратган. Спектаклда Отабек – Расулхон Қодирихов, Зайнаб – Г.Раҳмонова, Мирзакарим қутидор – Азиз Латипов, Ҳожи – Ҳамид Тўхтаев, Офтобойим – Г.Саидова, Ўзбекоийим – Наргиза Шаҳобова, Ҳомид – Умид Шодмонов ва бошқа актёрлар ўзларига бириктирилган ролларни маҳорат билан ижро этишган. Постановкачи, режиссёр Баҳодир Назаров, дирижёр Акмал Тўраев, расом Жалолддин Раҳимов эса ўзига хос сахна декорацияларини яратишган.

“Ўткан кунлар” асари ўзбек миллий маънавиятининг бой меросини, бадий тафаккури, беқиёс муносабатларини акс эттирган. Муқимий театридаги асар ҳам кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Ёш талаба Маржона Ўлжаеванинг актёрлик маҳорати, ижро имқониятлари яққол намоён бўлди. Айниқса, Отабек ва Кумуш ўрталаридаги соф муҳаббат, ҳурмат ва эҳтиром гўзал тасвирини топган.

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Матбуот хизмати**

» Дикқат танлов!

## «Энг яхши пьеса»



Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри сахнаси учун

**Танловнинг мақсад ва вазифалари**

Халқимиз, асосан ёшлар қалбига инсонийлик фазилатлари, яхшилик, дўстлик, Ватанга муҳаббат, садоқат каби ҳисларни чуқур сингдириш, шунингдек, драматурглар сонини кўпайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳамкорликда ишлаш, замон қаҳрамонларини гавдалантириш, истеъдодли ёш актёр ва актрисаларни аниқлаш, уларни театр сахнаси орқали юзага чиқаришдан иборат.

**Ўтказиш тартиби ва шартлари**

1. Ҳояси, иштирокчилари, кўтарган муаммолари замонавий ва миллийлигимиз гавдалантирилган бўлиши керак.
2. Тарихий шахслар ёки тарихий воқеаларга боғишланган пьесалар ҳам кўрик-танловга қабул қилинади.
3. Пьеса жанри чекланмаган, мусиқали драма, драма ва комедия жанрида ёзилиши мумкин.
4. Танловда иштирок этадиган драматурглар ёшлари ҳам чекланмайди.
5. Пьесалар танлов иштирокчиси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги ва театрининг Бадий кенгаши аъзолари, актёрлар томонидан муҳокама қилинади.
6. Гойиб деб топилган «Энг яхши пьеса» Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри репертуарига қабул қилинади.

**Республика танловига келиб тушган пьесаларнинг қабул қилиниш тартиби**

- Асарлар матни қўлёзма ва компьютерда ёзилган шаклда 2020 йил 1 февралдан 10 августгача қабул қилинади.

- Танловда қатнашувчи драматургларнинг маълумотномаси, телефон рақами, уй манзили бўйича қайдлар Нукус шаҳар, Ерناзар Алақўз кўчаси 1-уй, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрининг адабий бўлимига топширилиши керак.

**Республика кўрик-танловига гойибларини тақдирлаш**

Гойиблар Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри томонидан диплом ва пул мукофоти билан тақдирланади.

1-ўрин 8 000 000 (саккиз миллион) сўм

2-ўрин 5 000 000 (беш миллион) сўм

3-ўрин 3 000 000 (уч миллион) сўм

Шунингдек, ҳар хил образларни ёки мавзуларни очиб бера олган драматурглар номинациялар билан тақдирланади.

## ЭЪЛОН

2019 йил 10 майдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонунининг 21-моддасига асосан Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳарчасида жойлашган “А.Навоий” номидаги маданият ва истироҳат боғининг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер гойибини аниқлаш юзасидан 2020 йил 27 февралда тендер ўтказилиши режалаштирилди.

**Мурожаат манзили:** Маданият вазирлиги Давлат-хусусий шериклик асосидаги маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси





Маданият масканида

Мирзачўл ёшлари



28 январь куни Мирзачўл тумани Богбон қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган Ўзбекқозоқ маданият марказида вилоят прокурорининг ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Бош мақсад давлатимиз раҳбари берган топшириқлардан келиб чиқиб, ёшлар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифаларни ҳал

этиш, улар томонидан билдирилаётган ҳар қандай тақлифларни ўрганиб бориш ва ечимини топишга қўмаклашиш каби масалалардир. Мазкур учрашувда 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг камер оркестри, тасвири ва амалий санъат ижодкорлари ўз кўргазмалари билан иштирок

этишди. Шунингдек, ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида Жиззах санъат коллежини тамомлаган 1 нафар битирувчи 13-болалар мусиқа ва санъат мактабига Ўзбек халқ чолғулари йўналиши, Қашқар рубоб синфи ўқитувчиси этиб ишга олинди.

Концерт

Келажак юлдузлари



Бухоро вилоят Маданият бўшқармаси тасарруфидаги Когон туман 6-болалар мусиқа ва санъат мактабига 1-синф ўқувчиларининг «Келажак юлдузлари» номили концерт дастури бўлиб ўтди. Кечда мактабининг фортепиано, анъанавий хонандалик, эстрада, театр санъати, хореография, Ўзбек халқ чолғулари йўналишларида тахсил олаётган 1-синф ўқувчилари ўзбек ва жаҳон халқлари мусиқа меросларидан ўрганган асарларини йиғилганларга намойиш этишди. Ота-оналар ва меҳмонлар мазкур дастур ҳақида ижобий фикрлар билдиришди. Концерт сўнггида иштирокчиларга рамзий маънодаги юлдузли статуеткалар ва билимга чанқоқликлари учун дипломлар топширилди.

Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллиги



Маърифат куйчиси

20 январь куни Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида буюк маърифатпарвар, драматург Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда 500 нафар умумтаълим мактаблари ҳамда касб-хунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Маданий-маърифий кечда Вилоят мусиқали драма театри ва Каттақўрғон шаҳар драма театри ижодкорлари ҳамкорликда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар «Падарқуш» драмасидан сахна кўринишларини намойиш этишди.

Учрашув



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган бешта муҳим ташаббус доирасида 19 январь куни Фарғона вилоят Фориш тумани «Ясси-кечув» маҳалласида ҳокимнинг ёшлар билан учрашуви ташкиллаштирилди.



Фориш ёшлари рағбатланштирилди

Учрашувда туман ҳокими А.Мустанов, прокурор М.Отақулов, вилоят ҳокимлигидан Б.Тўхтамишев, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши вакили Д.Худойшукуровлар ёшлар билан очик мулоқот ўтказишди. Шу билан бирга туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши томонидан 2019 йилда фаол бўлган бир гуруҳ ёшларга фахрий ёрликлар, 20 нафар йигитга сартарош-

лик, 20 нафар қизга гўзаллик саломи фаолиятини олиб бориш учун ускуналар, саккиз нафар хотин-қизларга тикувчилик қилиши учун «Juita» тикув машиналари ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга махсус аравачалар, «Ёш чегарачилар» ўқув маркази битирувчиларига эса сертификатлар топширилди. Бундан ташқари, учрашувга ташриф буюрган барча иштирокчиларга китоблар ҳам



совға қилинди. Тадбир доирасида тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар фарзандларига 4 та сектор раҳбарлари ташаббуси билан хатна тўйлари ташкил этилди. Унга туман Маданият бўлимининг концерт дастури фойз бағишлади.

Ш.Дархонов, Маданият маркази мутахассиси

Ғурур



“Миллий созларимиз – фахримиз”

Санъат турлари орасида мусиқа алоҳида ўрин тутади. Унинг инсон ўй-хаёллари, ички кечинмалари, руҳияти ва тафаккурига таъсирини кўз билан кўриб эмас, қўлоқ билан эшитиб англаймиз.

Мусиқа азалдан шодлик, гам-алам ва ҳаяжонли кунларимизда биз билан бирга яшаб келади. Буюк мутафаккиримиз Абдураҳмон Жомий бу санъат турининг психологик аҳамиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқади ва уни 4 гуруҳга бўлади:

1. Шижоат ва жасурлик уйғотувчи оҳанглар
2. Хурсандчилик ва қувонч уйғотувчи оҳанглар
3. Қайғу ва мунг уйғотувчи оҳанглар
4. Қайғу ва маъюслик аралашган шодлигига завқ уйғотувчи оҳанглар

Ёш авлоднинг қомил инсон қилиб тарбиялашда, мусиқа санъати ҳар қандай воситалардан муҳимдир. Куй оҳанги албатта чолғу созлари ёрдамида амалга оширилади.

Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабига «Ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги кафедраси» кўп йиллардан бунён фаолият юритиб келмоқда. Унда ўзбек чолғулари устоз-шоғирд анъаналари бўйича ўқитилади.

Яқинда ўқувчилар маҳоратини текшириш мақсадида синов имтиҳонлари

ўтказилди. Унда ўзбек халқ миллий мусикаларидан – «Тановор», «Роҳат», миллий меросимиз бўлган «Шашмақом»дан «Мушқилоти дугоҳ», «Насри сеғоҳ», «Сеғоҳ» ва чет эл мумтоз композиторлари асарларидан А.Вивальдининг «Концерт»лари, Ф.Листнинг «Рапсодия», Н.Паганинининг «Каприз», П.Сарасатениннинг «Лўлилар оҳанги», шунингдек, Ўзбекистон композиторлари асарларини қашқар, афғон ва прима рубобларида, чанг ва ғижжак созларида маҳорат билан ижро этишди.

Марям Мирзаева, Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактаби етакчи ўқитувчиси

<p><b>МАДАНИЯТ</b> ОБУНА ИНДЕКСИ: 285</p> <p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, «Dildosh media» МЧЖ</p> <p>Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева</p> <p>Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p> <p>Газета ҳафтаининг пайшанба куни чоп этилади.</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.</p> <p>Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Нашр учун масъул: Ш.Исроилова</p> <p>Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева</p> <p>Навбатчи: Н. Содикова</p> <p>Адади - 8386 Буюртма - Г - 127</p> <p>Сотувда келишилган нарҳда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок</p>	<p>Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Ғурун кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 22.00</p> <p>Топширилди - 22.00</p> <p>1 2 3 4 5 6</p>
--	--	---	--